

ҒАЛЛА ХИРМОНЛАРИ САРБАЛАНД ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча худудларида, шу жумладан Амударё туманида ҳам ғаллачилик кластер корхоналари, ғаллачилик тармоғига эга фермер хўжаликлари томонидан ғалла етиштириш бўйича ҳар йилги шартномавий режалар ортиғи билан бажарилиб, ғаллани қайта ишлаш корхоналарининг йил давомида халқимизни сифатли ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти ошиб бормоқда.

Image not found or type unknown



Амударё туманида буғдой етиштириш бўйича ўзига хос тажриба мактабига эга ғаллакорлар кўп. Биргина Дорман овули худудидаги 20 та фермер хўжалигида ғаллачилик тармоғи мавжуд . Мазкур ҳудуддаги фермер хўжаликларининг 366 гектар буғдойзорларида ҳам жорий дехқончилик йилида мўл ҳосил етиштирилди.

Image not found or type unknown



Буғдойзорларда озиқлантириш, бегона ўтлардан тозалаш, далаларни ўрим-йиғим мавсумига тайёрлаш ишларида дехқонлар самарали фаолият олиб бордилар.

Айни кунларда Амударёлик ғаллакорлар етиштирилган қирмизи дон маҳсулотини нест-нобут қилмай, давлат омборларига топшириш, ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Image not found or type unknown

